

**Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси кўриқлаш хизмати томонидан  
жисмоний ва юридик шахсларга кўриқлаш хизматини кўрсатиш бўйича**

**ШАРТНОМА**

Самарқанд ш.

42/В-сон

2022 йил « 26 » январь

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Самарқанд вилояти Кўриқлаш бошқармаси номидан Низом асосида фаолият юритувчи бошлиқ подполковник Р.М.Номозов (кейинги ўринларда «Ижрочи» деб юритилади) бир томондан Самарқанд вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримовнинг Ёдгорлик комплексини сақлаш Департаменти номидан низом асосида фаолият юритувчи Департамент бошлиғи И.А.Раджабов (кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритилади) иккинчи томондан, биргаликда «Томонлар» деб юритилади, мазкур Шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар:

**1-боб. Шартнома предмети**

1. Ижрочи Миллий гвардия кўриқлаш хизмати, ҳарбийлаштирилган ва соқчилик кўриқлаши кўринишида техник кўриқлаш пунктдан (кейинги ўринларда ТҚМ деб юритилади) фойдаланган ҳолда Буюртмачининг мулкани кўриқлаш хизматини кўрсатиш мажбуриятини, Буюртмачи эса мазкур Шартнома шартларига асосан ўз вақтида кўрсатилган хизмат учун тўловларни амалга ошириш мажбуриятини олади.

**2-боб. Умумий шартлар**

2. Буюртмачи Самарқанд шаҳри Ислом Каримов кўчаси Хўжа Дониёр зиёратгоҳи ҳудудида жойлашган Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримов Ёдгорлик комплексини сақлаш Департаментига қарашли “Ҳазрати Хизр” мажмуасини (кейинги ўринларда объект деб юритилади) 1 (бир) та 24 (йигирма тўрт) соатлик Миллий гвардия кўриқлаш нарядлари пости орқали кўриқлаш учун ижрочига топширади, Ижрочи қабул қилади.

3. Объектнинг кўриқлаш чегаралари (иморатлари, қурилмалари), постларининг (йўналишлари) жойлашуви чизма-режада кўрсатилади ва мазкур Шартномага илова қилинади ҳамда унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

4. Объектдаги кириш-чиқиш, ички объект режими Буюртмачи томонидан тасдиқланадиган кириш-чиқиш ва ички объект режимини ташкил этиш йўриқномасига мувофиқ амалга оширилади ҳамда мазкур Шартномага илова қилиниб унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

5. Объектни техник кўриқлаш воситалари билан жиҳозлаш ва таъмирлаш Буюртмачи томонидан амалга оширилади, техник кўриқлаш воситалари Ижрочининг айби билан ишдан чиққан ҳоллар бундан мустасно. Объектни ёнғиндан кўриқлаш ва хавф-хатар сигнализацияси билан жиҳозлаш чизмаси мазкур Шартномага илова қилинади ҳамда унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

6. Объектни кўриқлашда Буюртмачи билан келишилган ҳолда соқчи итлардан фойдаланиш мумкин.

7. Мазкур Шартнома кучга кирган кундан бошлаб, объектда 5 иш куни ичида Миллий гвардия хизмати кўриқлаш тури йўлга қўйилади.

Объектда соқчилик кўриқлаш тури ва ҳарбийлаштирилган кўриқлаш объектга 5 иш куни ичида йўлга қўйилади.

8. Буюртмачи кўздан кечириш далолатномасида кўрсатилган талабларни бажармаганда Ижрочи қўйилмайди, қўйилган Ижрочи эса чақириб олинади.